

Шарқнинг юлдузи

- ҚУТЛОВ
- МАҚОЛА
- МУЛОҚААТ
- ХОТИРА
- БАҒИШЛОВ
- МУТОЛАА





ШАРҚНИНГ ЮЛДУЗИ



“SAMO NASHR”
Тошкент-2022

УЎК: 821-43

КБК: 84

Sh 27

Sharq yulduzi [Matn] / jamoa. – Toshkent: «Samo nashr», 2022. – 300 b.

Тўловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Дилором Абдурахмон

Моҳира Хусанова

Масъул муҳаррир:

Сирожиддин Рауф

Ушбу китоб замонавий ўзбек адабиёти ривожига беқиёс рол уйнаган, энг сара асарлар минбари ҳисобланган “Шарқ юлдузи” адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнали ташкил топганининг 90 йиллиги муносабати билан нашр этилмоқда.

Китобдан таниқли ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар ҳамда китобсевар замондошларимизнинг сеvimли журналимиз ҳақидаги мақола, хотира, шеър ва фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган.

УЎК: 821-43

КБК: 84

ISBN 978-9943-8338-4-5

© “SAMO NASHR” нашриёти, 2022





Абдулла УЛУҒОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ МУҲТАШАМ МАЙДОНИ

Журналлар, газеталар яқин ўтган йилларгача барча мамлакатлар ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим роль ўйнагани айтилган ҳақиқат. Шарқ ва Ғарб давлатларининг узок ва яқин тарихи, бунинг исботи бўла олади. Барча ҳукмдорлар яқин-яқингача матбуотга – газета-журналларга таяниб, ўз сиёсатини юргизган. Яқин юз-юз эллик йилда мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт айнан босма нашрлар, матбуот воситасида изга солинган. Чунки матбуот орқали одамлар дунёқарашига таъсир ўтказилиб, улар онгига муайян ғоялар ўтказилган. Инсоният бугунги онг-тафаккур, дунёқараш, маданий савияга матбуотдан, китоблардан озикланиб эришган. Ўзбек халқининг салкам бир асрлик ижтимоий-маданий ҳаётида бошқа босма нашрлар қаторида “Шарқ юлдузи” журнали алоҳида ўрин эгаллаган. Чунки мамлакатдаги адабий-ижодий жараён айнан шу журнал бағрида қайнаган.

Абдулла УЛУҒОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Қалб қандили” китоблари, “Адабиётшуносликка кириш”, “Туркий халқлар адабиёти” ўқув қўлланмалари, “Адабиётшунослик назарияси” дарслиги нашр этилган.

Ўзбек адабиётидаги янги салмоқли асарлар, албатта, “Шарқ юлдузи” журнали “тегирмон”идан ўтиб, кишилар қўлига етиб борган. Бу журналда чоп қилинган шеърлар, достонлар, ҳикоя, қисса, роман, драмалардаги эзгу ғоялар миллионлаб кишилар қалбига қуюлиб, уларнинг онгида инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ҳисларига йўғрилган ақидаларни шакллантирган. “Шарқ юлдузи” саҳифаларидаги асарларни мутолаа қилиш миллионлаб ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириб, уларнинг ҳаётдаги энг файзли ва унутилмас кунлари бўлиб қолган. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти намояндалари асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналари билан танишиш кишиларга мароқ, завқ бағишлаб, уларнинг ижтимоий ҳаёт мураккабликлари, инсон қисмати чигалликлари тўғрисидаги тасаввурини теранлаштирган.

Одамлар орасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик мустақамланишига “Шарқ юлдузи”да босилган асарлар, албатта, самарали таъсир кўрсатган. Афсуски журналнинг ушбу ҳаётбахш таъсирини бирор бир ускуна, асбоб кўрсатиб беролмайди. Чунки у худди ҳавога ўхшаб кўзга кўринмайди. Адабиёт ва санъатнинг таъсири салмоғи ҳеч бир ўлчовга сиғмайди. Бадий асарлар, хусусан, шеър, достон, роман, қисса, ҳикоя, драмаларнинг кишиларнинг онги, шуури ва қалбига таъсири кундалик турмушда қўлланадиган мезонлар меъёрига асло мувофиқ келмайди. Чунки бадий асарлар кишиларни ўз ҳаёт йўлига назар солишга, ҳаётдан баҳра олиб, эртанги кунга умид, ишонч билан қарашга ундайди.

“Шарқ юлдузи” журнали кишиларни улуғ ижодкорларнинг асарлари билан таништириб, ўз дунёқарашини фойдали фикрлар билан тўлдириб боришида муҳим восита бўлган. Ҳар бир кишининг маънавий-руҳий олами эса кўриб-кечирганлари, эшитиб муҳокама қилганлари ва, албатта, ўзи ўқиб, томоша қилиб таъсирланган санъат асарлари орқали кенгайиб, теранлашиб боради. 90 йил мобайнида “Шарқ юлдузи”да босилиб чиққан асарлар кишиларда инсонпарвар-

лик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ўзаро меҳр-оқибат, бир-бирига нисбатан иззат-ҳурмат, андиша, ҳаё каби эзгу интилишларни қувватлантиргани тайин. Чунки унинг саҳифаларида эълон қилинган шеър ва дostonлар, ҳикоя, қисса ва романлар, драмалар, публицистика ва адабиётшуносликка оид материаллар кишилар учун маънавий-руҳий қувватга айланган. “Навоий”, “Қутлуғ қон”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Баҳор қайтмайди” сингари асарларни мутолаа қилгани, улар асосида тайёрланган телеспетакль, телефильмларни миллион-миллион кишилар мириқиб томоша қилганини орзиқиб эслаши, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф каби шоирларнинг шеърларини ёдлагани бунинг исботидир.

Юртдошларимиз қалбидаги эзгу амалларга интилиш ҳисси аждодлардан мерос қадриятлардан, қадим тарихга ва замонавий қиёфага эга адабиёт ва санъатимиздан қувват олиб туради. 1931 йилдан чиқа бошлаган “Шарқ юлдузи” адабий-бадий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнали эса тўқсон йилдан буён мамлакатимиздаги энг нуфузли маънавий-руҳий қувват манбаларидан бири бўлиб келади. Ушбу журнал ўтган даврда Марказий Осиё минтақаси адабий-маданий ҳаётига самарали таъсир кўрсатгани ҳамиша эътироф этилади. Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Берди Кербобоев, Мирзо Турсунзода, Чингиз Айтматов каби улуғ ижодкорларнинг ўзбек адабиётидан бебаҳо баҳра олгани тўғрисидаги миннатдорлик сўзлари бевосита “Шарқ юлдузи” журнаliga ҳам тегишли. Негаки ушбу журнал – ўзбек адабиётининг муҳташам майдони. Ундан туганмас маънавий-руҳий қувват таралиб турган. Ўтган 90 йиллик тарихий давр унга замон ва макон тўсиқ бўла олмаслигини кўрсатди.

Мустақилликка эришилгунига қадар Ўзбекистонда адабиёт ва санъат майдони “Шарқ юлдузи”, “Гулистон” (1925–

1931 йилларда “Ер юзи”, 1932 йил “Ўзбекистон қурилишда”, 1934 йили “Машъала”, 1935 йилдан эса ҳозирги номда чиқа бошлаган), “Саодат” (1925 йилдан чиқа бошлаган), “Ёшлик” (1982 йилдан чиқа бошлаган) журналлари ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси (1956 йилдан чиқа бошлаган)дан иборат эди. “Шарқ юлдузи” ҳажми салмоғига кўра уларнинг энг каттаси эди. Истиқлол шарофати билан 1994 йилда чиқа бошлаган ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий “Тафаккур”, 1997 йилдан чиқа бошлаган адабий-бадий, ижтимоий-публицистик “Жаҳон адабиёти” журналлари бу майдон сарҳадларини кенгайтирди. Ўша пайтгача жаҳон адабиёти намуналари таржимаси ҳам “Шарқ юлдузи” саҳифалари орқали ўқувчиларига тақдим қилинарди. Яъни “Шарқ юлдузи” журнали ўқувчиларимизни муҳташам жаҳон адабиёти билан боғлаб турадиган ўзига хос мустаҳкам кўприк эди. У дунё адабиётининг энг кўркам асарлари билан таништириш баробарида, уларга ўзбек адабиётини бошқа халқлар адабиёти билан қиёслаш, Фирдавсий, Шекспир, Пушкин, Лев Толстой, Тагор сингари улуғ ижодкорлар асарлари беҳад эъзозланиши сабабларини билиб олиш имконини бериб келди. Бу журнал ўзбек ўқувчилари учун жаҳон адабиёти намоёндаси сифатида эътироф қилинадиган адиллар асарларида персонажларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиш орқали инсон қалбининг очилмаган қирралари кўрсатилиши, ижтимоий турмуш мураккабликлари шу асосда ифодаланишини англаш, ҳис қилишга йўл очди. Журнал ўзининг ушбу тарихий миссиясини муттасил давом эттириб келаётгани кишини қувонтиради. Масалан, Гегелнинг тадқиқотлари таржимаси илк бор шу журнал саҳифаларида босилиб чиқди. Адабиётшунослар, тилшунослар, тарихчилар, маданиятшунослар, санъатшунослар, руҳшунослар учун эса бу улуғ олмон донишманди асарлари мўътабар манбалар қаторида туради. Улар ўз фикрини асослаш учун Арасту, Фаробий, Ибн Сино, Навоий каби улуғ мутафаккирлар қаторида,

албатта, Гегелнинг асарларидан иқтибос олишади. “Шарқ юлдузи” журнали ҳам ўзбек адабиёти, ҳам жаҳон адабиёти учун кенг майдон сифатида юртдошларимизнинг ҳаёт ва адабиёт тўғрисидаги тасаввурини бойитиб, дунёқарашини кенгайтиришга беминнат хизмат қилди. Чунки минг-минглаб кишилар унда босилган асарларни мутолаа қилганида беихтиёр “Ҳаёт ўзи нима? Одам қандай мавжудот? Севги-муҳаббат ҳисси одамни нега бунча ўзгартиради? Бунинг сабаби нимада?” деб ўзига-ўзи савол бергани, шу каби муаммолар хусусида мушоҳада юритгани тайин.

Одамлар ушбу журнални ўқиётгани чоғида ёки уни қанча йиллардан кейин қўлига олганида ўзининг болалигини, кўриб-кечирганларини эсга олиши, ҳозирги ҳаётини хаёлан таҳлил қилиши аниқ. Айни ҳолат эса мазкур журнал юртдошларимиз таржимаи ҳолидан муайян ўрин эгаллагани ва улар ўз дунёқарашини кенгайтириб, маънавий-руҳий оламини кенгайтириш учун восита, сабаб бўлганига исбот, далил бўла олади. Умуман, ҳар бир асл санъат асари, у “Шарқ юлдузи”га ўхшаш босма нашрларда чоп қилинган роман, қиссами, театр сахнасида ёки экранда намоёиш этилган спектакль, фильм, балетми, кўргазма залига қўйилган тасвирий санъат намунаси, кўча, хиёбонларга ўрнатилган ҳайкалми ёки шаҳарга кўрк, салобат бериб турган маҳобатли меъморий иншоотми, бундан қатъи назар, кишиларнинг онг ва шуури (онг ости)га, ҳиссиётларига ўз таъсирин ўтказди.

Юртдошларимиз хулқи, табиатида кенг намоён бўладиган одамгарчилик, иззат-ҳурмат, меҳрибонлик, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби эзгу туйғу, майлларнинг мустақкамланишига бошқа жуда кўп омиллар қаторида “Шарқ юлдузи” журнали ҳам ҳисса қўшгани аниқ ҳақиқат.



МУНДАРИЖА

Сирожиддин САЙИД	
Халқ йўлини ёритган юлдуз	3
Сирожиддин РАУФ	
Шарқнинг юлдузи	7
Муборак ФОЗИЛОВА	
Адабиётимизнинг олтин дарвозаси	21
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД	
Тўқсон билан тўқнашаётган “Туя журнал”	29
Ўринбой УСМОН	
Тожикистонлик мухлис кўз-кўз қилган бойлик.....	33
Норқобил ЖАЛИЛ	
Миллат ойнаси бу	38
Абдулла УЛУҒОВ	
Ўзбек адабиётининг мухташам майдони.....	44
Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА	
Таъзимдаман, “Шарқ юлдузи”!	49
Саъдулла СИЁЕВ	
Журналим – устозим	60
Неъмат АРСЛОН	
Журналга уюштирилган ҳужум	64
Тўлқин МУҲИДДИН	
Адабиётимиз ойнаси.....	68
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН	
“Шарқ юлдузи” мактаби ўқувчисиман.....	79
Победахон АБДАЗИМОВА	
“Ёшлигим сирдоши, дардкаш устозим...”	83
Аббос САИД	
Муборак ва қутлуғ дорилфунун.....	88
Юсуф ФАЙЗУЛЛО	
Эсласанг, эслагудек хотиралар	104
Ашурали ЖЎРАЕВ	
Адабиётнинг ойдин ойнаси	134
Икром ОТАМУРОД	
“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”	138

Ошиқ ЭРКИН	
Бўлди – то тушди дийдам, энг севимли жаридам.....	139
Абдураззоқ ОБРҮЙ	
Ижодкорнинг майдони	141
Насрулло ЭРГАШ	
“Шарқ юлдузи”га	144
Оллоёр БЕГАЛИЕВ	
Ўзинг учун байрамга айлан.....	146
Иззат АҲМЕДОВ	
Ярим асрлик мухлис	166
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ	
Соғинч даври	174
Хулкар ҲАМРОЕВА	
Ота қадрдоним.....	195
Шержон МАШАРИПОВ	
Қутлуғ ташрифлар.....	201
Латиф МАНСУР	
Ҳақиқий дўст, ҳақиқий устоз	204
Нигора ЖУМАЕВА	
Ўзликни топиш бахти	209
Шаҳодат УЛУҒ, Дилфуза ҚЎЗИЕВА	
“Адабиёт – инсоният даври қадар давом этади”	215
Кумушбиби ЭРМАМАТОВА	
Шарқ юлдузи” журнали: 1970-1975 йиллар	223
МУҲАЙЁ ТҮЛАГАНОВА	
“Шеър ёки боғ қолар...”	232
Умид БЕКМУҲАММАД	
Мажидийнинг машаққатли умр йўли.....	235
Дилфуза МАҲМУДОВА	
ФАХРИМГА АЙЛАНГАН НАШР	243
Тоштемир ТУРДИЕВ	
Кўнгил озиғи	247
Дилрух САЙФУЛЛОЕВА	
“Оғабий”ни яхши кўраман	254
Нилуфар ЮЛДАШЕВА	
Адабиётнинг таъсирчан кучи.....	257

Шахло ҲАМРОЕВА	
Адабиёт кўприги	264
Нигора АРЗИМУРОДОВА	
Кўнгил табиби	268
Гулҳаёт АҲМЕДОВА	
“Асадбекнинг холи не кечаркин?..”	271
Ирода МУҲАММАДЖОНОВА	
Ижодхонада бир соат	274
Сайёра ЗИЁБЕКОВА	
“Пул ўлсин-о, пул ўлсин”	277
Умрой КАРИМОВА	
Қалб нурига айланган нашр	281
Абдурауф АБДУҒАФФОР	
Хотираларимнинг энг ёруғлари	286
Отабек ДҮСТЁРОВ	
Илм сари саодатли йўл	289

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
АКЦИОНЕРЛІК ҚАҒАПАНЫ
«ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АҚПАРАТ
ЖӘНЕ БАҒАЛАУ АҒАМАЛЫҚАТ

ШАРҚНИНГ ЮЛДУЗИ

“Шарқ юлдузи” журналы 90 ёшда

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АҚПАРАТ ЖӘНЕ БАҒАЛАУ АҒАМАЛЫҚАТ

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АҚПАРАТ ЖӘНЕ БАҒАЛАУ АҒАМАЛЫҚАТ
ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АҚПАРАТ ЖӘНЕ БАҒАЛАУ АҒАМАЛЫҚАТ
ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АҚПАРАТ ЖӘНЕ БАҒАЛАУ АҒАМАЛЫҚАТ

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ АҚПАРАТ ЖӘНЕ БАҒАЛАУ АҒАМАЛЫҚАТ